



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 12 февраль, № 29 (9200)

Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИНВЕСТИТОРЛАР УЧУН ЭНГ ЖОЗИБАДОР ҲУДУД

Махсус иқтисодий зоналар фаолиятида янги давр бошланмоқда

Инвестициясиз тараққиёт ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди. Бу — иқтисодийнинг исбот талаб қилмайдиган азалий қонунияти. Шу боис жаҳонда сармоялар оқимини ўзи томон буриш йўлида зимдан кураш кетади. Сўнгги маълумотларга қараганда, бу кураш майдонида АҚШ, Сингапур ва Хитойнинг қўли баланд келмоқда. Аксарият таниқли ва йирик инвесторлар сармояларини ушбу мамлакатлардаги истиқболли соҳалар — ахборот технологиялари, суъий интеллект, “яшил” энергетика, рақамли иқтисодиёт лойиҳаларига тикишни маъқул кўрмоқда.



Таҳлил



Шундай бўлса-да, кейинги пайтда сармоялар оқими ўзанлари Жануби-Шарқий Осиё давлатлари томон йўналтирила бошланган. Бу эса жаҳон иқтисодиётидаги катта ўзгариш сифатида баҳоланмоқда.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: дунёга очилган, ҳамкорлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилаётган Ўзбекистоннинг инвестициявий салоҳияти қандай?

Америкалик таниқли инвестор, “Rogers Holdings” компанияси асосчиси Жим Рожерснинг фикрича, глобал бозорларда хатарлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Осиё бозорлари, айниқса, Ўзбекистон истиқболли ҳисобланади. Шу боис у АҚШ ва Россиядаги барча активларини сотиб, инвестицияларини Ўзбекистон фонд бозорига киритди. Шубҳасиз, бу Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ҳуқуқий ва институционал ислохотлар тўғрисидаги Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлиги ортиб бораётганидан далолат беради.

Кўплаб хорижий сармоядорлар мамлакатимизни янги “ўсиш нуқтаси” дея эътироф этмоқда. Буни охириги тўққиз йилда барча иқтисодиёт тармоқларига 130 миллиард долларлик хорижий инвестиция киритилгани ҳам тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида 2025 йилда чет эллик ҳамкорлар билан яна 140 млрд долларлик янги инвестициявий келишувларга эришилгани, 2026 йилнинг ўзига 50 млрд доллар хорижий инвестиция жалб этилишини маълум қилди. Бу борада қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида тўхталар экан, “Юртимиздаги қўлай бизнес муҳити, демографик ўсиш, инсон капиталига берилаётган эътибор — Ўзбекистонни инвесторлар учун энг жозибадор мамлакатлардан бирига айлантирмоқда”, дея алоҳида таъкидлади.



Мулоҳаза

ҲИМОЯЛАНГАН АЁЛ — ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Янги Ўзбекистонда 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегиясини изчил амалга ошириш мақсадида кенг қўлмали ишлар олиб борилмоқда. Бу — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, айниқса, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда боланинг энг устун манфаатларини қафолатлаш давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланганининг намоёнидир.

Хусусан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган қонунчилик базаси халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилди. Жумладан, “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида”, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларнинг амалиётга киритилиши гендер сиёсатида ҳуқуқий бурилиш нуқтаси бўлди. Бундан ташқари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилашга қаратилган 20 дан ортқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига кенг ўрин берилган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси янги тахирининг 25-мақсади аёлларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенглик масаласига бағишланган. Шу мақсадда маҳаллаларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказларини ташкил этиш (3 840 та), “аёллар дафтари” тизими орқали камбағалликдан чиқарилган хотин-қизлар сонини 70 фоизга етказиш назарда тутилган.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати томонидан 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул



ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ВА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Президентимизнинг Покистон Ислам Республикасига амалга оширган давлат ташрифи ташқи сиёсатимизда муҳим ва узоқ муқддатли аҳамиятга эга воқеаларни баҳоланмоқда.

Муносабат

Бинобарин, ташриф доирасида икки давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокара-лар стратегик шерикликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Муносабатлар фақат сиёсий мулоқот билан чекланиб қолмасдан, иқтисодий интеграция, саноат кооперацияси ва логистика занжирларини шакллантириш масалаларига қаратилгани билан эътиборга молик.

Кайд этиш жоизки, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Покистон савдо айланмасини бир неча баробар оширишни мақсад қилган. Гап фақат рақамлар ҳақида эмас. Асосий эътибор товар таркибини диверсификациялаш, қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортини кенгайтириш, қўшма ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш масалаларига қаратилганидир.

Айниқса, тўқимачилик ва енгил саноат, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда кенг имкониятлар очилмоқда. Бундай ёндашув ташқи савдонини фақат хомашё экспортга боғлаб қўймасдан, миллий иқтисодиётни чуқур таркибий қайта қуришга хизмат қилади.

Ташриф доирасида имзоланган фармацевтика маҳсулотлари назорати бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим Ўзбекистон учун алоҳида стратегик аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжат фақат соҳавий техник келишув эмас, балки аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, миллий фармацевтика саноатининг рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қилувчи муҳим қадамдир.



Учрашув

СИЁСИЙ МУЛОҚОТЛАР ФАОЛЛАШАЁТГАНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Тожикистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Исмаилов Насриддин билан учрашув ўтказди.

Учрашувда кейинги йилларда икки давлат ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги босқичга кўтарилгани, сиёсий мулоқотлар фаоллашиб, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқалар изчил кенгайиб бораётгани қайд этилди.

Сўхбат довомида парламентлараро муносабатларни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш, қўшма ташаббусларни ил-

гари суриш ва халқаро парламент майдонида мулоқотни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Бу борада ҳудудлараро муносабатларни янада фаоллаштириш ва парламентлар юқори палаталарининг ҳамкорлиги бўйича комиссияларнинг амалий дастурларида ҳам маҳаллий Кенгашлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш лозимлиги қайд этилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Тадбир

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

11 февраль — Илм-фан соҳасидаги хотин-қизлар халқаро куни муносабати билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг “Гендер тенглик маданиятини ривожлантириш: оилавий кадрлар, таълим сиёсати ва ижтимоий онг трансформацияси” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, халқаро ва миллий ташкилотлар, вазирилик ва идоралар, илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари, олимлар ҳамда мутахассислар қатнашди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад гендер тенгликни таъминлашнинг ҳуқуқий, таълимий ва ижтимоий асосларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, оила институтининг ўрнини мустаҳкамлаш, таълим тизимида замонавий ҳамда инклюзив ёндашувларни кенгайтириш, шунингдек, жамият онгида ижобий трансформация жараёнларини қўллаб-қувватлашдан иборат экани қайд этилди.

Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар,

маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзулгул Қозихонова ҳамда қўмита аъзоси Малика Қодирхонова гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг илм-фан, таълим ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтди.

Муҳокамада мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратилаётган имкониятлар, илмий ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш чоралари, таълим тизимида тенг имкониятлар муҳитини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир якуни бўйича гендер тенглик маданиятини ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ОМБУДСМАН МАЪРУЗАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузасини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўналишида тарихий ислохотлар амалга оширилмоқда. Инсон қадрини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг самарали тизими яратилди. Ўзбекистон бу борадаги халқаро талаб ва мажбуриятларни тўлақонли бажариб келмоқда ва бу нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институти фаолияти ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Унинг ваколатлари кенгайтирилиб, ҳудудлардаги

фаолияти кучайтирилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 сентябрдаги фармонида асосан Омбудсман институтининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояси бўйича мустақил миллий институт сифатидаги аҳамияти янада оширилди.

Ушбу ҳужжат билан Омбудсманнинг ҳудудларда доимий асосда ишловчи минтақавий вакиллари фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда минтақавий вакиллар фуқароларнинг муурожаатларини қабул қилиб, муаммоларни тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда бартараф этмоқда.

2024 йил 15 ноябрда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон

ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонун билан Омбудсманнинг ваколатлари кенгайтирилди. Институционал мақоми янада мустаҳкамланди. Ушбу ҳужжатда Омбудсманга ўз вазибаларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун қўшимча қафолат ва ҳуқуқлар берилди.

Мазкур қонунга асосан Омбудсман қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус муассасаларда, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида, вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналарида, жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб, мониторинг тадбирларини ўтказмоқда.



Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномада белгилаб берган 6 та устувор йўналишдан биринчиси маҳалла кифёсани олиб киришга қаратилган.

“Бир товўққа ҳам сув, ҳам дон керак” деганларидай, маҳаллада нима кўп, муаммо кўп. Уларнинг ҳар бирига алоҳида

ечим топиш керак. Хусусан, бир томони тоғларга тутшиб кетган Ургут тумани марказидаги 24 та маҳаллада 100 минг-

га яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу баъзи бир шаҳарлар аҳолисидан ҳам кўпроқ. Шу боис бу ерда уй-жой, канализация, ичимлик суви, мактаб, боғча, шифохона, бизнес инфратузилмаси билан боғлиқ кўплаб муаммолар юзага келиши табиий.

Шундан келиб чиқиб, Президентимиз

2025 йил 4 августда “Ургут” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, янги Ургут марказида барча муаммони бир вақтнинг ўзига ҳал қиладиган тизим яратиш бўйича алоҳида қарорни имзолаган эди.



Ўрганиш

ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР МАСАЛА

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси А. Эшмуратов Тошкент шаҳрининг Сергели тумани маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ҳамда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Хусусан, тумандаги “Бунёдо-бод” маҳалла фуқаролар йиғини-да жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактик чора-тадбирлар самардорлигини ошириш, шунингдек, маҳаллада хавфсиз муҳитни шакллантиришга қаратилган ишлар атрофида кўздан кечилириди. Туман маҳаллаларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган замонавий инфратузилмани ривожлантириш, хусусан, видеокузатув камералари, домофон тизимлари ва “ташвиш тугмалари”нинг ўрнатилиши, уларнинг ягона назорат тизимига ула-ниши ҳамда профилактика ин-спекторларнинг кундалик фаоли-ятида самарали қўлланилиши ма-салаларига алоҳида эътибор қара-тилди. Шунингдек, савдо ва хиз-мат кўрсатиш объектларини ра-қамлаштириш орқали “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш, аҳоли бандлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ишлар ҳолати таҳлил қилинди.

Ўрганиш натижалари юзасидан “маҳалла еттилиги”, профилактика инспекторлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакил-лари иштирокида муҳомада ўткази-либ, аҳоли хавфсизлигини таъ-минлашда давлат органлари ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкор-лики янада кучайтириш, профи-лактик тадбирларни манзилли ва тизимли ташкил этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг ол-дини олиш, аниқланган муам-моларни бартараф этиш юзаси-дан аниқ вазифалар белгилаб олинди. Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича иш-ларни доимий мониторинг қилиш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Ўрганиш доирасида маҳалла аҳолиси учун мутасадди ташкилот-лар вакиллари иштирокида сайёр қабул ўтказилиб, фуқароларни қийнаб келаятган долзарб муам-молар юзасидан очик мулоқот ташкил этилди.

«Халқ сўзи».

ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ

Миллат довуғини дунёга таратишда спортнинг ўрни катта. Қолаверса, у аҳоли саломатлиги, миллат салоҳияти ва мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи муҳим соҳалардан бири. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотлар жараёнида мазкур йўналишни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланганининг боиси ҳам шу.

Сенатда муҳокама қилинган

“Инсон қадрини учун” тамойили асосида аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш, спорт инфра-тузилмасини замонавий талаблар асосида ривожлантириш ҳамда юқори малакали спортчиларни тайёрлашга алоҳида урғу берил-моқда. Сўнгги саккиз йилда бюд-жетдан спортга ажратилаётган йиллик маблағ 250 млрд. сўмдан 3 трлн. сўмга оширилгани ҳам со-хага қаратилаётган эътиборнинг ёрқин далилидир.

Олий Мажлис Сенатининг 13-ялпи мажлисида муҳокама қилинган “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам соҳада-ги тизимли ислоҳотларнинг манти-қий давоми, десак, айна ҳақиқат. Ушбу қонунни қабул қилиш зар-урати шундаки, амалдаги “Жис-моний тарбия ва спорт тўғриси-да”ги Қонун 2015 йилда имзолан-ган бўлиб, бугунги кун талаблари-га тўлиқ жавоб бермайди. Чунки

сўнгги йилларда соҳада амалга оширилган туб ислоҳотлар — оммавий спорт, ўқувчилар ва талабаларни спортга жалб қилиш, уларни тайёрлаш ва саралаб олиш тизими амалдаги қонунда назар-да тутилмаган. Шунингдек, унда спорт турларини эътироф этиш, спорт федерацияларини реестрга қиритиш тартиби, келишилган ўйинларга қарши курашиш каби масалалар тартибга солинмаган.

Қонуннинг янги тахририда аҳолини оммавий спортга жалб қилиш ва бундай тадбирларни ти-зимли ўтказиб бориш назарда ту-тилмоқда. Хусусан, унда ҳозирги кунда оммалашган “Беш ташаббус олимпиадаси”, “Беш ташаббус па-ралимпиадаси” ва бошқа оммавий спорт мусобақаларининг ҳуқуқий асослари ҳамда давлат органлари ўз тизимида ўтказадиган оммавий мусобақаларни ҳуқуқий тартибга солуви нормалар қиритилган. Шунингдек, спорт турларини

эътироф этиш ва уларнинг реес-трини юритиш тартибини такомил-лаштириш мақсадида у республи-канинг камида 7 та ҳудудда ри-вожланган бўлиши шартлиги талаби ўрнатилмоқда.

Маълумки, спорт мусобақалари-да ҳар хил йўллар билан натижа-ларга таъсир қилишга уриниш ҳол-лари ҳам учраб туради. Ушбу ҳуж-жат билан уларнинг олдини олиш ва қарши курашиш чоралари қатъийлаштирилади. Миллий па-ралимпийа қўмитасининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари, паралим-пия, сурдлимпия, махсус олимпия ҳамда кўзи оғизлар спортни фао-лиятига доир масалалар, спорт федерацияларининг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни реестр-га қиритиш ҳамда чиқариш мезон-лари, шунингдек, клублар ва ли-галарнинг ҳуқуқий мақоми, фао-лият юритиш тартиби белгилана-ди. Вазирлар Маҳкамаси, Спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш, Олий



таълим, фан ва инновациялар, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигини ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг соҳага оид ваколатлари янада аниқлаштирилмоқда.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳа-ти, давлат томонидан спортчи ҳамда тренерларга бир марталик ва ойлик тўлов — стипендия, на-фақа ва бошқалар шаклидаги қўллаб-қувватлаш чоралари тақдим этилиши мумкинлиги қайд қили-наётгани. Ушбу норма давлатнинг спорт соҳасида инсон капиталига устувор эътибор қаратаётганини ифодалайди ҳамда спортчилар, тренерларнинг меҳнатини моддий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қув-ватлашга хизмат қилади.

Мазкур қонун билан амалдаги қонуннинг 40 та моддасига ўзгарти-риш ва қўшимчалар қиритилмоқ-да, унга яқин янги тушунчалар ҳамда соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқ-ларни тўлдиришни назарда туту-вчи 18 та янги модда қўшилмоқда.

Ишончимизки, ушбу қонун спорт-чиларимизнинг келгуси галабале-рини мустаҳкамлаб, дунё арена-ларида байроғимиз билан кўта-рилишига замин яратяди.

Орипул ҚОЗИХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.



Жамоатчилик назорати: МУҲИМ ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан республика ҳудудларида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг ижро этилиш ҳолати назорат-таҳлил тартибиде ўрганилган эди.

Кўмиталарда

Кеча қўмита ҳузурдаги жамоатчилик кенгаши аъзолари, фуқаролик жамияти институти вакиллари, маҳалла ра-ислари иштирокида ушбу ўрганиш натижалари кенг муҳо-кама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида самарали жамоатчилик на-зорати тизимига ўтиш, жумладан, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъ-минлашга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Назорат-таҳлил тадбирида маълум бўлишича, давлат органлари ҳузурда жамоатчилик кенгашлари тузилиб, улар фуқаролик жамияти вакиллари иштирокида фаолият юри-тмоқда. Кенгаш йиғилишлари ва раҳбарлар ҳисоботлари оммавий ахборот воситалари ҳамда расмий интернет са-ҳифалари орқали ёритилмоқда. Жумладан, вазирлик ва идо-ралар томонидан жамоатчилик кенгашлари фаолиятини йўлга қўйиш, уни очик тарзда ёритишга қаратилган ишлар фаоллашмоқда. Жамоатчилик кенгашлари йиғилишлари, қабул қилинган қарорлар ва муҳокама этилган масалалар расмий ахборот ресурслари орқали эълон қилиб бори-лмоқда.

Шунингдек, давлат дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатлар лойиҳалари юзасидан онлайн таклиф ва мулоҳаза-ларни қабул қилиш амалиёти жорий этилган. Мазкур тар-тиб фуқароларга қарор ишлаб чиқиш жараёнида бевоси-та қатнашиш ва ўз тақлифларини билдириш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, қонун ижроси доирасида ҳудудларда жамоатчилик эшитиув, экспертиза, сўров ва мониторинг каби механизмлар орқали фуқароларнинг давлат бошқару-вида иштирок этиши ортиб бораётгани ҳам маълум бўлди. Хусусан, 2025 йилда сиёсий партиялар томонидан 1 714 та жамоатчилик назорати тадбири ўтказилган. Улар доираси-да жойларда 450 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси таҳлил қилинган.

Тадбирда қонунни қўллашда аниқланган айрим масала-лардан келиб чиқиб, ундаги нормаларни такомиллашти-риш бўйича қатор тақлифлар берилди. Хусусан, жамоатчи-лик назоратининг шаффофлиги ва самарадорлигини оши-риш, давлат органларининг ҳисобдорлигини кучайтириш, фуқаролар йиғини эшитиувлари яқунлари бўйича қабул қилинган қарорларни тегишли давлат органи (ташкilotи), бўйсунув тартибда юқори туровчи орган ёки халқ депутат-лари туман (шаҳар) Кенгашларига юбориш, уларни қўриб чиқиш механизмларини аниқ белгилашга қаратилган қатор тақлифлар илгари сурилди.

Шунингдек, жамоатчилик фикрини ўрганиш социологик сўров, кузатув ва бошқа умумэътироф этилган усуллар ор-қали амалга ошириш, жамоатчилик экспертизасида қатна-шувчи экспертларга қўйилган талабларни қонунчилик-да аниқ белгилаш бўйича ҳам тавсиялар билдирилди.

Тадбир якунида кун тартибидеги масала юзасидан қўми-танинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҲИМОЯЛАНГАН АЁЛ — ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Бу жараёнда “аёллар дафтари” механизмининг қўлланилаётгани ижтимоий ҳимоя-га муҳтож хотин-қизларни аниқлаш ва уларни манзилли қўллаб-қув-ватлашда самарали восита сифа-тида намойён бўлмоқда. Ушбу ме-ханизм орқали нафақат моддий ёрдам, балки ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий реабилитация хиз-матларининг кўрсатилиши хотин-қизларнинг жамиятдаги фаол иш-тирокини таъминлашга хизмат қил-япти.

Шунингдек, аёлларнинг илм-фан билан шугулланиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бунинг натижасида юртимиз олий, ўрта махсус ва касбий таълим ти-зиминида фаолият юритаётган хо-димларнинг қарийб 48 фоизини, умумий изланувчиларнинг эса 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Ушбу фактлардан кўриниб туриб-дики, ўтган даврда хотин-қизларни илм-фанга жалб этиш борасида се-зиларли ютуқларга эришилди. Бу ҳақда сўз кетганда айтиш жоизки, хотин-қизларнинг ижтимоий фао-лигини ошириш, бир томондан, жа-мият ҳаёти учун фойдали бўлса, ик-кинчи томондан, аёллар ва бола-ларга нисбатан зўравонликка қарши курашда муҳим омил ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан мустақил, ҳуқуқий саводдон ва ижтимоий

фаол аёллар зўравонлик ҳав-фига камроқ дуч келиши илмий таҳлилларда ҳам ўз тасдиғини то-пган. Шу нуқ-таи назардан, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, касб-ҳунар-га ўқитиш, тадбиркорлик фаоли-ятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ма-софавий меҳнат шакллари рив-ожлантириш давлат сиёсатида ус-тувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат иж-тимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли қат-нашишига эришиш, гендер тенглик ва репродуктив саломатлиқни таъ-минлаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатини жаҳон ҳамжамия-ти ҳам эътироф этмоқда. Бу борада кўлга киритаётган ютуқларимиз БМТ, ХМТ, ЮНИСЕФ, ЖССТ каби нуфузли халқаро ташкилотлар то-монидан ҳам юқори баҳолалиб, Ўзе-бекистон гендер сиёсати бўйича дунёнинг етакчи давлатлари қато-рида қайд этилмоқда.

Жамила БОБАНАЗАРОВА, Олий Мажлис Сенатининг Халқроқ муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хоржий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ВА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Авалло, мазкур битим дори воси-таларининг сифати ва хавфсизлиги-ни таъминлашда халқроқ стандарт-ларни жорий этиш имкониятларини кенгайти-ради. Покистон фармацевтика соҳасида кат-та ишлаб чиқариш қувватлари ва экспорт та-рибасига эга давлат сифатида Ўзбекистон учун регулятор амалиёти, лаборатория назо-рати, клиник текширувлар ва сертификат-лаштириш механизмларини такомиллашти-ришда муҳим ҳамкор бўла олади. Шунингдек, битим Ўзбекистон фармацевтика маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришни енгиллаштиради. Назорат ва стандартларнинг ўзаро тан олин-ган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун маъмурий тўсиқларни ка-майтиради, экспорт жараёнларини жаддаллаштиради ҳамда янги бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиради. Бу эса “Made in Uzbekistan” брендида ишонччи янада мустаҳкамлайди.

Албатта, ушбу ҳамкорлик қўша фармацевтика корхоналарини ташкил этиш, технологиялар трансфери ва маҳаллийлаштириш жараёнидаги чўқурлаштириш учун мустаҳкам замин яратяди. На-тижада дори воситалари импортга қарамлик қисқаради, аҳоли учун дори-дармон нархларининг барқарорлиги таъминланади ҳамда янги юқори малакали иш ўринлари яратилади. Энг муҳими, маз-кур битим ташқи сиёсатимиздаги прагматик ёндашувнинг ақлоқ ифодаси бўлиб, халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги халқ саломат-лиги, ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий манфаатлар билан уй-ғунлашмоқда.

Биз, депутатлар ташриф доирасида эришилган келишувлар-нинг тўлиқ ва самарали ижросини таъминлаш мақсадида қонун-чилик асосларини такомиллаштириш ва парламент назорати ме-ханизмларини кучайтиришни ўз олдимиизга вазифа деб биламиз. Чунки ҳар бир халқроқ келишувнинг ҳақиқий баҳоси — унинг халқ ҳаётида акс этган аниқ натижалари билан ўлчанади.

Севара УБАЙДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



ОМБУДСМАН МАЪРУЗАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Омбудсман маърузаси-га кўра, 2025 йилда Ин-сон ҳуқуқлари бўйича вакил номи-га Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хоржий давлатлар фуқаролари ва омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жа-моат ташкилотлари ва бошқа юри-дик шахслардан 26 372 та муро-жаат тушган. Улар ўрганилиши натижасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ қонун-бузилиш ҳолатлари, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитлар-ни бартараф этиш юзасидан давлат органлари ва идораларига, мансабдор шахсларга 194 та тақ-димнома, талабнома, ариза ва дъ-во аризаси ҳамда ҳулоса шаклида-ги таъсир чоралари қиритилган.

Вакил томонидан қўлланилган таъсир чоралари 2024 йилдаги нисбатан 7,0 фоизга ошган. Шунингдек, Омбудсман томонидан ташкилотлар ёки мансабдор шах-сларга 36 та тақдимнома кирити-либ, уларнинг 72,2 фоизи ижобий ҳал этилган. Муурожаатларни қўриб чиқиш якунига кўра, Омбудсман томонидан фуқаролар манфаати-да 11,8 млрд. сўмдан ортиқ маб-лағ ундирилишига кўмаклашилган.

Хисобот йилида Омбудсман ва Жамоатчилик гуруҳлари томонидан ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга 954 та мониторинг ташрифи амал-га оширилган. Натижада жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиниши устидан самарали назо-ратни таъминлашга эришилган.

Жаҳон ҳамжамиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин-лашда миллий институтларнинг

фаол иштироки долзарб аҳамият касб этмоқда. Омбудсман халқроқ шериклик ва институционал ҳам-корликни кенгайтириш орқали мил-лий ҳуқуқий механизмларни тако-миллаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

2025 йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили дунё омбудсманлари платформа-си Осие — Тинч океани форумига аъзо бўлди. Дания Омбудсмани

Гулрух АГЗАМОВА, Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси:



— Омбудсманнинг Қонунчилик палатасига тақдим қилган навбат-даги йиллик маърузаси дастлабки тарзда қўмитамиз йиғилишида, шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида атроф-лича қўриб чиқилди.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда Омбудсманнинг Қонунчилик палатаси билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Бу ҳам-жихатлик қонун ижодкорлиги жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, амалдаги қонунларни такомиллаштириш ҳамда фуқаро-лар муурожаатлари асосида тизимли муаммо-ларни бартараф этишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Омбудсман қонун лойиҳале-рини экспертизадан ўтказишда ҳам фаол қат-нашаётир. Шунингдек, Омбудсман ва депутат-лар ҳамкорлигида жойларда ўрганиш ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Аниқланган кам-чиликларни бартараф этиш бўйича тегишли ва-зирликларга парламент сўровлари юборилди. Шу билан бирга, қатор вазирлик ва идоралар-га тақдимномалар киритилди.

Қўмитамиз ташаббуси билан Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ҳамкорлигида инсон

ҳамда Германиянинг Фридрих Эберт жағмармаси билан икки то-монлама ҳамкорлик меморандум-ларини имзолади. Омбудсман ва Россиянинг Инсон ҳуқуқлари бўй-ича вакили ўртасида чет элда ва-қтинча яшаётган фуқаролар ҳуқуқ-ларини таъминлашга қаратилган 2025-2026 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” имзоланди.

Депутатлар Омбудсманнинг 2025 йилдаги фаолияти давомида

ҳуқуқлари билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатлар, амалдаги қонунлар хатловдан ўтказилди. Жойларга амалий ташрифлар шуни кўрсат-дики, Ўзбекистонда Омбудсман институти амали-ёти сўнгги йилларда сезиларли даражада фаоллашган.

Феруза ЭШМАТОВА, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман):



— Биз учун ҳар бир муурожаат — бу шунча-ки рақам эмас. Унинг ортида инсон қадрини юксалтириш масаласи турибди. Омбудсман институтининг пози-цияси аниқ: ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган фуқарога кўмаклашиш.

Халқимизнинг ижтимоий фаоллиги ошмоқ-да, бу инсон ҳуқуқлари борасидаги давлат сиёсати ва Омбудсманга ишонч ортаётгани-нинг ифодасидир.

Бугунги кунда нафақат муурожаатларни қўриб чиқиш, балки улар ортидаги тизимли муаммо-ларни аниқлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Биз мамлакатимизда яратилаётган янги имконият-лар ва қонунчиликдаги ижобий ўзгаришлар ҳақида фуқароларни янада кенроқ хабардор этишни асосий мақсадларимиздан бири сифа-тида белгилаганмиз.

“Омбудсман мактаби”, “Омбудсман соати”, “Тенглик ва ҳурмат” платформаси доирасида

нинг ўтган йилдаги фаолияти якун-лари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилиб, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқаро-ларнинг янги тахрирдаги Консти-туция ва бошқа қонунларда кафо-латланган ҳуқуқлари, эркинликла-рини таъминлаш бўйича қатор та-всиялар берилди.

Мажлисда сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари ҳам Омбудсман маърузаси юзасидан ўз муносабатларини билдириб ўтди. Мунозаралардан сўнг қўриб чиқилган масала юзасидан тегиш-ли қарор қабул қилинди.

очик мулоқотлар ўтказмоқдамиз. Шунингдек, хоржийдаги фуқароларимиз билан ҳам доимий учрашувлар ташкил этилди.

Ташқи ишлар, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Миграция агентлиги ҳамкорлигида ало-ҳида режа ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ фуқароларимизнинг хоржида ҳуқуқий ҳимояси-ни кучайтириш, уларнинг муурожаатларини тез-кор қўриб чиқиш ва давлат органлари ўртаси-да мувофиқлаштирилган ҳаракатни таъминлаш-га алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Шухрат ЖЎРАЕВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг Навоий вилоятидаги минтақавий вакили:



— Давлатимиз томо-нидан Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолиятига алоҳида эътибор берилаётгани ҳудудларда, айниқса, олис маҳаллаларда аҳолимиз ҳуқуқ ва ман-фаатларини ҳимоя қилишда сезиларли натижа бермоқда. Маса-ла, санаот ривожланиб бораётган Навоий ви-лоятида, табиийлик, меҳнат муносабатлари бил-ан боғлиқ муурожаатлар сони кўпаймоқда. Биз уларни қўриб чиқиш, тегишли мутасаддилар бил-ан ҳал этиш борабариде фуқароларимизнинг бу борадаги ҳуқуқий билимларини ошириш чо-раларини кўрмоқдамиз.

«Халқ сўзи».

Осиёнинг йирик сайёҳлик кўргазмаларидан бири — «OTM Mumbai» доирасида Ўзбекистон Туризм қўмитаси томонидан ташкил этилган миллий стенд юксак эътирофга сазовор бўлди.

Ўзбекистон ва Туркия:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

АТОҚЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ КАЛЛИБЕК КАМАЛОВ



Атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли меҳнат фахрийси Каллибек Камалов шу йил 11 февраль куни 100 ёшида вафот этди.

Каллибек Камалов 1926 йил 18 мартда Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир туманида туғилди. Урта мактабни тугатиб, ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, 1955 йилда Нукус давлат университетини тамомлади. Меҳнат фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар қўмитаси котиби лавозимидан бошлаб, кейинчалик Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Нукус шаҳар ижроия қўмитаси раиси бўлиб ишлади.

Катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган К. Камалов Қорақалпоғистон Республикаси коммунал хўжалиги вазири, йўл транспорти ва автомобиль йўллари вазири, Қорақалпоғистон партия қўмитаси котиби лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Бугун ҳаёти ва фаолиятини ўзи тугилиб вояга етган юрт равнақига бағишлаган моҳир раҳбар 1959 — 1963 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, 1963 — 1984 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси партия қўмитасининг биринчи котиби, Республика етакчиси каби масъул вазифаларда жонбозлик кўрсатиб, худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, турли соҳа ва тармоқларда ишни замон талаблари асосида йўлга қўйиш борасида фидокорона меҳнат қилди.

Каллибек Камалов 1984 — 1986 йилларда истеъдодли дипломат сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатди.

У кўп йиллик серкйрра меҳнат фаолияти давомида бой билим ва тажрибаси, раҳбарлик салоҳияти, юксак инсоний фазилатлари, Ватанимизга

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, А. ОРИНБАЕВ, С. ТУРДИЕВ

беқўёс меҳри ва садоқати билан эл-юрт қалбидан чуқур жой олган улуг инсон эди. Унинг бевосита раҳбарлигида Қорақалпоғистон Республикасини ҳар томонлама тараққий эттириш, мавжуд мураккаб иқлим шароитида пахтачилик, галлалчилик, чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги тармоқларини, шунингдек, саноат ва ишлаб чиқаришни раванқ топтириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Каллибек Камалов сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси нурунийлар жамоатчилик кенгаши раиси сифатида кесалар ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш, жамиятда тинчлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ишларда фаол иштирок этиб келди.

Каллибек Камаловнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланди. У “Шуҳрат” медални ва “Эл-юрт хурмати” ордени билан мукофотланган эди.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Каллибек Камаловнинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Акс садо

Икки томонлама алоқалар ривожига, албатта, юқори даражадаги учрашувлар асосидаги иқтисодий, сиёсий, хавфсизлик ва бошқа муҳим соҳаларни қамраб олувчи қатор келишувлар алоҳида ўрин тутди.

Жорий йилнинг 29 январь куни мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президентини Режеп Таййип Эрдоғанининг тақлифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлиб, Анкара шаҳрида Ўзбекистон ҳамда Туркия етакчилари олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йилги йиллишида иштирок этди.

Музокараларда сиёсат, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт, энергетика, маданият, гуманитар соҳа ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар атрофида кўриб чиқилди. Бу эса, ўз навбатида, икки мамлакат ўртасидаги шерикликнинг янги босқичига туртки берди, десак, муболага бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, ташриф давомида икки томонлама ўнга яқин шартномалар, бундан ташқари, кўп қиррали шерикликнинг турли йўналишларини қамраб олувчи ҳужжатлар тўплами имзоланди. Хусусан, соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳарбий тиббиёт соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида, иқтисодий ва молиявий, кончиллик санаятида, халқаро транспорт йўлақларини ривожлантириш бўйича, махсус иқтисодий зоналар, ядро хавфсизлиги, жисман ҳимоя қилиш, кафолатлар ва радиацион муҳофаза йўналишидаги ҳамжихатлик ва ахборот алмашинуви, миграцияга кўмаклашиш ҳамда фуқароларни ўш мамлакатга қайтариш борасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ана шулар сирасига кириди.

Шунингдек, давлатлар диний соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам келишиб олди ва 2026-2027 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик режаси қабул қилинди.

Иқтисодий ва савдо алоқалари ривожига

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги иқтисодий алоқалар йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Узоро савдо ҳажми, шунингдек, Туркиянинг етакчи компаниялари билан қўшма корхона ҳамда лойиҳалар сони ҳам изчил равишда ўсмоқда.

Таҳлилларга кўра, икки томонлама савдо алоқалари ҳажми 2017 — 2025 йиллар оралиғида деярли икки баравар ошиб, 3 млрд. АҚШ долларига етди. Албатта, бу охириги марра эмас. Гап шундаки, келгуси йилларда товар айирбошлаш ҳажми

“Таҳлилларга кўра, икки томонлама савдо алоқалари ҳажми 2017 — 2025 йиллар оралиғида деярли икки баравар ошиб, 3 млрд. АҚШ долларига етди. Албатта, бу охириги марра эмас. Гап шундаки, келгуси йилларда товар айирбошлаш ҳажми

мини, жумладан, Имтиёзли савдога доир битимдаги товарлар рўйхатини кенгайтириш орқали 5 млрд. долларга етказиш вазифаси белгилаб олинди.

Алоҳида дастур асосида амалга оширилиши назарда тутилган саноат кооперациясининг янги устувор йўналишлари ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, бу эса мазкур йўналишдаги тараққиётни тезлаштириш имконини беради.

Худудларо ҳамкорликнинг улкан салоҳияти мавжуд. Шу маънода, йил охирига қадар мамлакатимизнинг барча вилоятдан делегациялар ҳамкор худудлар билан лойиҳалар портфелини ишлаб чиқиш мақсадида Туркияга ташриф буюриши кўзда тутилган. Қолаверса, йил давомида қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, соғлиқни сақлаш ва тиббий туризм соҳаларида Туркиянинг илгор тажрибасини жорий этиш режалаштирилган.



Бугунги кунда юртимизда кўллаб турк компаниялари фаолият юритади, уларнинг умумий инвестиция ҳажми ҳам чакана эмас. Ўзбекистон Туркияга, асосан, металллар, минераллар, тўқимачилик, пластмасса, каучук ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиб келмоқда. Бу маҳсулотлар сони яқин келажакда янада ортиши kutilмоқда. Туркия эса бизнинг мамлакатга машинасозлик, кимё ва тўқимачилик маҳсулотлари, металллар, автомобиль ва бошқа товарларни йўналтиради.

Айтиш керакки, савдо алоқаларида қулайлик яратиш режими доим амалда. Имтиёзли савдо битими эса бу борадаги ишларни ҳам сифат, ҳам қонун, ҳам тартиб асосида амалга оширилишига хизмат

қилаётир. Шу билан бир қаторда, Савдо тўсиқларини камайтиришга қаратилган соддалаштирилган божхона йўлаги ва электрон руҳсатнома, рақамли йўл-транспорт интеграцияси каби ташаббуслар жорий этилгани яхши самара бермоқда. Айни пайтда 600 млн. АҚШ доллари миқдоридagi устав капиталига эга Турк инвестиция жамағармаси транспорт, логистика, энергетика соҳаларида кичик ва ўрта корхоналар, шунингдек, чегараларо лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этапти.

Халқаро ўртасидаги абадий дўстлик ифодаси

Таъкидлаш жоизки, Туркия ва Марказий Осиё республикалари фаол сейсмик зоналарда жойлашган. Халқимиз 1966 йилдаги Тошкент эилзиласини яхши

хотирлайди. Бундан уч йил олдин содир бўлган вайронкор зилзила эса қардош турк халқи учун огир синов бўлди. Бундай умумий сейсмик хавфлар ҳамкорликдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишни тақозо этади, албатта. Зеро, ҳамжихатликда, узоро тажриба алмашишда гап кўп.

Ўзбекистон қардош халқ бошига тушган ўша фожиали даврнинг дастлабки кунлариданок Туркияга ҳар томонлама ёрдам кўрсата бошлади. Қисқа фурсатда ўзбекистонлик кўтқарувчилар ва тиббиёт ходимларининг фалокат содир бўлган худудга етиб бориши, қидирув-қутқарув ишларида фаол иштирок этиши ҳам икки халқ бир-бирини доим қўллаб-қувватлаши ва инсонларварликнинг ҳаётий ифодаси сифатида намोён бўлди.

Бугунги кунга қадар мамлакатда 455 мингдан ортиқ уй-жойлар қурилди. Ўзбекистон, ўз навбатида, қисқа муддатларда Ҳатай вилоятининг Арсуз туманида 300 дан зиёд тўлиқ жиҳозланган хонадонлар, жами 24 та кўп қаватли уйдан иборат барча зарур инфратузилмага эга замонавий тураржой мажмуасини барпо этди. Ушбу мажмуа нафақат жабрланган оилалар учун янги бошлана, балки ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги абадий дўстликнинг ёрқин намунасирид.

Ташриф давомида Президентлар Истанбулнинг Бекиркёй туманида ўзбек мактаби қурилишини бошлаб берди. Мазкур мактаб Ўзбекистоннинг хорихдаги биринчи таълим муассасаси бўлади. Янги ўқув маскани Туркияда яшовчи ўзбек оилаларининг фарзандларига ўз она тилида таълим олиш билан бирга, миллий кадрятлар, маданият ҳамда анъаналарни сақлаб қолиш имконини беради. Бу мактаб икки қардош халқ ўртасидаги ришталар янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилиши, ёш авлод учун муҳим таълим ва тарбия марказига айланиши, шубҳасиз.

Дарвоқе, таълим соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида жорий йил баҳорда Бухорода тўртинчи Рectorлар форумини ўтказишга келишиб олинди. Бу ҳам таълимдаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқишига ишонч беради, албатта.

Ботир УСМОНОВ, Тошкент кимё-технология институти ректори, техника фанлари доктори, профессор.

ИНВЕСТИТОРЛАР УЧУН ЭНГ ЖОЗИБАДОР ХУДУД

Махсус иқтисодий зоналар фаолиятида янги давр бошланмоқда

Оқилна инвестиция сиёсати

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ислохотларнинг янги даврида оқилна инвестиция сиёсати юритила бошлангач, Ўзбекистоннинг иқтисодий имижни яхшилаиб, унга бўлган ишонч ортди. Айни шу жиҳат инвестициявий салоҳият юксалишида муҳим омил бўлган.

Мамлакатда инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти шундаки, юқори технологияларга асосланган янги йўналишларни ўзлаштириш, бозори аниқ, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, энергия, сув, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишда самарадорликни оширишга қаратилган лойиҳаларга устувор аҳамият берилмоқда. Натижада жалб қилинаётган маблағлардан унумли фойдаланилиб, улар, асосан, замонавий корхоналар барпо этиш, инфратузилма объектилари бунёд қилиш, ижтимоий соҳа объектилари ҳамда замонавий шаҳар ва мавзелар қуриш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирилик маълумотларига қараганда, 2025 йилда Ўзбекистонда ўзлаштирилган хорихий инвестициялар умумий ҳажми 43,1 млрд. АҚШ долларига етиб, аввалги йилдагига нисбатан 24 фоиз ўсishга эришилди. Сармояларнинг салмоқли қисми — 38,2 млрд. доллар тўғридан-тўғри хорихий инвестициялар хиссасига тўғри келди. Шунингдек, халқаро молия институтларидан 4,9 млрд. доллар миқдоридида ресурслар жалб этилди.

Ушбу ўсиш суръати инвесторлар ишончи ортиб, жаҳоннинг нуфузли халқаро брендлари мамлакат бозорига кириб келаётгани, қолаверса, Ўзбекистоннинг асосий стратегик ҳамкорлари — Хитой, Россия, Туркия, Саудия Арабистони ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлар билан савдо-сармоявий ҳамда иқтисодий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётгани билан изоҳланмоқда. Инвестициялар, саноат ва савдо вазири маслаҳатчиси Абдулла Хошимовнинг айтишича, инвестициялар жалб этиш ҳажмида ўсиш суръати кейинги йилларда ҳам сақланиб қолади.

— Янгиланаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида инвестициявий жозибадорликни янада ошириш, қимматли қозғолар бозорини жадвал ривожлантириш ҳам кўзда тутилган, — дейди у. — Устувор режага кўра, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар йиллик ўртача 5 — 7 фоиз ўсиб, хорихий сармоялар ҳажми эса ҳар йили ўртача

7 фоиз оширилади. Аҳамиятлиси, бу даврда умумий қиймати 150 млрд. долларлик 400 дан зиёд стратегик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Муҳим индикатор

Мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, сармоялар оқимининг худудий тақсимланиши иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим индикаторларидан бири ҳисобланади. Агар у номуъаносибликка йўл қўйилса, айрим худудлар жадвал ривожлангани ҳолда, бошқалари ижтимоий-иқтисодий тараққиётда ортда қолиши оқибатида кескин тафовутлар юзага келади. Масалая ана шу жиҳатдан ёндашадиган бўлса, афсуски, Ўзбекистонда ҳам капитал бошқарувида шундай ҳолат кузатилаётганига гувоҳ бўламиз.

Гап шундаки, мамлакатга кириб кел-

макonda жамланиши капиталнинг маълум худудларда концентрацияланишига олиб келади. Натижада “ўзини ўзи қучайтирувчи тортишиш” механизми юзага келади. Яъни инвесторлар рисклар ва транзакция харажатлари паст бўлган худудни афзал кўргани сари янги лойиҳалар ҳам кўпроқ айнан шу макonda жамланади ва худудий тафовутлар ўсиб бораверади.

Институционал механизм

Ўзбекистон инвестиция оқимларининг нотекис тақсимотидаги мавжуд муаммоларни юмшатишда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш йўлидан бормоқда. Бу яхши, албатта. Сабаби, мазкур ёндашув сармояларни нисбатан кам ривожланган худудларга йўналтириш орқали иқтисодий тафовутларни қисқартириш, ишлаб чиқариш ва саноат салоҳиятини мувозантлаштиришга қаратилган институционал механизм сифатида намоён бўлди. Натижада 2017 йилдан кейинги

си, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари мисол бўла олади. Гарчи ушбу худудларда эркин иқтисодий зоналар сони нисбатан кўп бўлса-да, инвестицияларни жалб этишдаги улуши паст даражада қолмоқда. Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятларида бунинг аксини кўриш мумкин: эркин иқтисодий худудлар сони нисбатан кам, тўғридан-тўғри хорихий инвестициялар улуши анча юқори. Айни шу ҳолат амалиётда тез-тез учрайдиган “эркин иқтисодий зоналар сонининг ортиши автоматик тарзда тўғридан-тўғри хорихий инвестициялар ҳажми ошишига олиб келмайди”, деган парадокснинг аққол тасдиқлайди.

Муаммо нимада, деган ҳақли савол туғилади, албатта. — Худудий-иқтисодий институтлар қўлинига фискал рағбатлантириш воситаси сифатида кенгайтирилади. Лекин инвесторлар учун ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи худуднинг инвестицияга тайёрлик даражаси етарли мезонларда мустаҳкамланмайди, — дейди Рухиддин Зайниддин. — Яъни муаммонинг асл илдизи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси, институционал муҳит сифати, транспорт логистикаси, малакали кадрлар, бозор ситими ҳамда ишлаб чиқариш ва таъминот занжирларига интеграция даражасининг пастигига бориб тушади. Ушбу масалалар ечилмасдан туриб, худудларнинг инвестициявий салоҳиятини кўтариш борасидаги сазй-ҳаракатлар қутилган самарани бермайди.

Халқаро ёндашув ва миллий тажриба

Халқаро тадқиқотлар ҳам иқтисодий олимнинг фикрини тасдиқлайди. БМТ Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси томонидан ўтказилган глобал тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирда дунё миқёсида эркин иқтисодий зоналар сони жадвал суръатларда ошиб бораётган бўлса-да, аксарият мамлакатларда кўпроқ институционал фаолият кўрсаткичи сифатида намоён бўлмоқда. Тўғридан-тўғри хорихий инвестициялар ҳамда худудлар бўйича тақсимоти каби асосий иқтисодий натижалар эса ўзгармаслиги ёки фақат айрим худудларда жамланиб қолиши кузатиляпти. Ушбу ҳолат рағбатлантириш сиёсатини натижадорликка йўналтирилган ёндашув асосида мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатади.

Хитой тажрибасида 1 доллар миқдоридидаги хорихий сармояни жалб этиш учун худудий инвестиция муҳитини яхшилашга ўртача 4 долларгача давлат ва хусусий ресурслар йўналтирилади. Ушбу маблағ, асосан, инфратузилмани ривож-



лантириш, логистика ва саноат зоналарини глобал қиймат занжирларига улаш, бошқарув институтларини қучайтириш ва инвесторлар учун комплекс хизматлар кўрсатишга сарфланади. Натижада эркин иқтисодий зоналар Хитойда оддий фискал имтиёзлар мажмуаси эмас, балки юқори самарадорликка эга инвестиция платформалари сифатида фаолият юритмоқда. Шунга ўхшаш ёндашувлар Жанубий Корея, Вьетнам ва Польша тажрибасида ҳам кузатилади. Бу эса тўғридан-тўғри хорихий инвестициялар оқимининг худудлар бўйича нисбатан мувозанатли тақсимланишини таъминлашга имкон беради.

Ўзбекистон шароитида ҳам сармоялар оқими мутаносиблигини таъминлаш учун худудларнинг инвестицияга реал тайёрлигини ошириш, инфратузилма ва лойиҳалар мослигини қучайтириш устувор аҳамият касб этади. Айнан шундай ёндашувгина хорихий инвестицияларни барқарор ва худудлар бўйича мувозанатли жалб этиш имконини беради.

Машҳур брендлар маркази

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини кўтариш, янгилашни ташкил этиш борасида амалга ошириладиган ишлар қонқарли эамлигини институционал фаолиятнинг қўлинига таъминлашга қаратилган ҳақиқий таъминлаш қилган эди. Чет эл сармояларини кўпроқ ўзлаштириш учун салоҳиятли инвестор ва тадбиркорларни кенгроқ жалб этиш, мав-

жуд тартиб-таомилларни соддалаштириш зарурлигини таъкидлаганди.

Афсуски, ўша пайтда сармоялар оқимини кескин оширилган бўйича белгилаб берилган вазифаларнинг барчаси ҳам тўла-тўқис ижро этилди, дея олмаймиз. Шу босиб бугун давлатимиз раҳбари томонидан ушбу йўналишда янгилаш ишлаш тизимига ўтиш ташаббуси илгари сурилмоқда. “Иқтисодийнинг рақобатдош қилиш, инвестициялар самарадорлигини ошириш, саноат тармоқларини технология трансформация қилиш мутлақо янги ёндашувларни талаб этмоқда. Бунинг учун Иқтисодиёт ва молия, Инвестициялар, саноат ва савдо вазириликлари фаолияти тубдан қайта қўриб чиқилади”, деди давлатимиз раҳбари Мурожатномада. Шу асосда эндиликда инвестиция билан ишлайдиган алоҳида янги тизим яратилади. Ҳар бир келишувни лойиҳага айлантириш, сармояларни қисқа фурсатда жалб қилиш ва уларнинг самарадорлигига мазкур тизим масъул саналади.

Табиийки, бунда эркин иқтисодий зоналар имкониятлари тўлиқ ишга солиниши кўзда тутилмоқда. Уларга дунёнинг машҳур брендлари жалб қилиниб, бу ерда фаолият юритаётган корхоналар халқаро техник регламентлар, экологик ва меҳнат стандартларини қўлиши мумкин бўлади. Улар учун махсус — имтиёзли инвестициявий, солиқ, божхона ва ҳуқуқий режим жорий этилади ҳамда халқаро ҳуқуқ доирасида арбитраж низоаларини қўриб чиқиш имконияти яратилади.

Бинобарин, халқаро тажриба шуни кўрсатадики, эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият юритиши учун профессионал бошқарув, юқори сифатли инфратузилма ва барқарор институционал муҳит билан комплекс тарзда қўллаб-қувватланиши зарур. Акс ҳолда, зоналар сонининг кўпайиши реал инвестиция оқимлари ва худудий иқтисодий ривожланиш билан етарли даражада уйғунлашмайди. Мамлакатимиз янги инвестициявий сиёсати ана шу жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда иш юритиладиган тўғривулган Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда иқтисодий жозибадорлиги ошиб, яқин келажакда глобал инвестициялар марказига айланиши кутиляпти.

Сайд РАҲМОН («Халқ сўзи»).

Жорий йил 1 мартдан хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси туман ҳамда шаҳар ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

МАҲАЛЛА РИВОЖЛАНСА, БУТУН МАМЛАКАТ ЮКСАЛАДИ



Янги тизим жозибаси

Кейинги йилларда мамлакатимизда маҳалла институтини ислоҳ қилиш ва уни самарали тизимга айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Янги тизим доирасида кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби 100 дан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилди. Бунинг натижасида камбағаллик, ишсизлик даражаси кескин қисқарди. Иш ўринлари яратиш мақсадида маҳаллаларга банк ва солиқчилар бириктирилди, инфратузилмага ҳам алоҳида маблағ ажратилган бўлди.

Асосий аҳолиси тадбиркор бўлган Ургут туманига келадиган бўлсак, бу ҳудудда маҳаллабўй ишларнинг ўзига хос тизими яратилган. "Маҳалла еттичилиги" уйма-уй юриб, оилаларнинг муаммосини ўрганади ва уларга шу ернинг ўзиде ечим топиш чораларини кўради. Туман, вилоят даражасида ҳал этиладиган масалалар қатъий назоратга олинади ҳамда амалий натижага эришилмагунча кун тартибда туради. Бу тизим аҳоли муносабатлари билан ишлаш ва ҳудудий муаммоларни тезкор бартараф этишда намуна ҳисобланади.

Эндиликда маҳаллани ривожлантириш бўйича комплекс ёндашув тажрибаси дастлаб Ургут туманида қўлланилади. Янги туманда юз минг нафар аҳолига мўлжалланган замонавий экошаҳар барпо этилади.

Бунинг учун ажратилган 544 млрд. сўм маблағ ҳисобига 70 дан ортиқ боғча, мактаб, поликлиника, шунингдек, ички йўллар қурилади. Бўшаган бинолар эса бизнес учун хусусий секторга тақдим этилади.

Ана шу инфратузилма таркибиде аҳоли учун барча қулайлик мавжуд бўлади. Кейинчалик шу асосда ҳар бир вилоятда 2-3 тадан туман танлаб олинди, ўша ҳудудлардаги маҳаллаларда барча муаммоларни бир вақтнинг ўзиде ҳал қиладиган тизим яратилади. Бунда ҳар бир вилоятда 2030 йилгаче барча туманлардаги маҳаллалар Янги Ўзбекистон қиёфасини касб этади. Ургут туманидан бошланган янги тажрибани моҳияти ҳам, жозибаси ҳам ана шунда.

...Ҳозирги кунда туманда юз минг нафар аҳолига мўлжалланган замонавий экошаҳар барпо этиш ишлари бошланди. Янги шаҳарда йўл, сув, канализация, электр, мактаб, боғча, шифохона ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш, тадбиркорлик лойиҳалари учун тегишли миқдорда маблағ ажратилган.

— Янги шаҳарча учун туманининг Қуйи Камангарон маҳалласидаги "Янги Ўзбекистон" массивига тугаш ҳудуддан 90 гектар қўшимча жой берилди, — дейди Ургут тумани ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Соҳиб Худойбердиев. — Биз ушбу тарихий қарор қабул қилинган кундан бошлаб ишга киришдик. Тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда, хорижий мута-

хассисларни жалб қилган ҳолда ҳудуднинг топографик тасвири олинди, лойиҳа-смета олди ҳужжатлари ва бош режа тайёрланди. Президентимиз таклифига кўра 3 гектар майдонда туманининг 35 та ташкилоти учун ягона маъмурий марказ барпо этилади. Янги шаҳарчи қуришда хориж тажрибаси қўлланилади. Мазкур ҳудуддаги 40 гектарга яқин майдонда эса 58 та кўп қаватли уй, 4 та мактаб, 4 та боғча, поликлиника ва бошқа объектларни ўз ичига олган "Янги Ўзбекистон" массиви бунёд этилмоқда.

Ўз уйинг — ўлан тўшагинг

Ургут 600 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуд ҳисобланади. Бир пайтлар тумандаги энг катта муаммолардан бири ишсизлик бўлган. Лекин шунга қарамадан оила эркаклари рўзгор тебратиш учун белини маҳкам боғлаб, ҳар қандай оғир ишни бўйнига олган. Ургутликлар табиатан ана шундай тадбиркор халқ ва бугун бу ерда бекорчи одамнинг ўзи йўқ. Айни пайтда аҳолининг иқтисодий фаол қатлами 200 минг нафардан ошдики ташкил этади ва уларнинг деярли ҳаммаси фойдали меҳнат билан банд.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йилда давлат раҳбари сифатида иш бошлаганида туманга ташириб буюриб, Ургутни эркин иқтисодий зонага айлантириш ташаббусини илгари сурган эди. Шу асосда тадбиркорлар учун барча имконият яратилди, имтиёзлар берилди. Бунинг натижаси ўлароқ бугун бу ҳудуд бизнес ва тадбиркорлик марказларидан бирига айланди.

— Президентимизнинг туманга ташириб буюриб, Ургутни эркин иқтисодий зонага айлантириш ташаббусини илгари сурган эди. Шу асосда тадбиркорлар учун барча имконият яратилди, имтиёзлар берилди. "Ургут" эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархи "эҳтиёт қисмлар — тайёр маҳсулот" занжири асосида 5 фоиздан 15 фоиз-

бориш ҳам шарт эмас. Ургутда ҳам яхшигина даромадли ишлар кўп. Камбағал оилалар камаймоқда. Иш ўрни, доимий даромад манбаи бўлганидан сўнг одамлар рўзгор тебратишга қийналмапти, орзуниятларига етпти.

— Бир пайтлар менга "Ургутга поезд келадими" дейишса, "Тушингн сувга айт" деган бўлардим, — дейди "Нуроний" жамғармаси Ургут тумани бўлими раиси Шерзод Холиқов. — Қарангки, ҳаммамизга



эртакдай, афсонадай туюлган бу ҳақиқат амалга ошди! Қисқа муддатларда 55 километрлик масофага темир йўл тармоғи тортилиб, йилига 400 минг нафарга яқин йўловчилар ҳамда 8 млн. тоннадан зиёдроқ юк ташиш имконияти яратилди. Айниқса, Президентимизнинг Ургутга йўл олган дастлабки поездда ташриф буюриши туманимизга кут-барака олиб келди. Халқимиз хурсанд, кайфияти аъло. Бугун туманда 1,5 мингга яқин катта-кичик корхоналар фаолият кўрсатяпти. Уларда нафақат ўзимизнинг аҳоли, балки кўшни туманлардан келган кўплаб йигит-қизлар ҳам ишламоқда. Ишончим комилки, яқин икки йилда уларнинг сони ана шунчага кўпаяди. Демак, шунга яраша ишчи кучи ҳам керак бўлган-да!

Сайёҳлар орзусидаги маскан

2017 йилда ташкил қилинган "Ургут" эркин иқтисодий зонасида шу пайтгача 860 млн. долларлик



гача қамайтирилади. Бу эса миқдор сафининг янада ўсишига олиб келади.

Бу ҳам майли, жамиятимизда бизнес учун яратилган имкониятлар тўғрисида Ургут тадбиркорлар ҳудудига, ҳар бир хонадон тадбиркорлик масканига айланди. Бу ерда қурилиш корхоналарга қўшни туманлардан ишчилар жалб этиляпти. Энди иш излаб чет элга

камбағал оилаларнинг қарийб ярми йил якунига келиб фаровонликка юз тутган. Шу йил якунигача камбағаллик ва ишсизлик даражасини 2 фоиздан пастга тушириш режалаштирилмоқда.

Жорий йилда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун туманга 260 млрд. сўм ажратилган бўлиб, 8 та маҳалла инфратузилмаси учун Ислон тараққиёт банкидан 10 млн. доллар жалб этилади. Тожикистон билан чегарадош

воғга етиб ўйлади, бола-чақали бўлди. 1984 йилда Ургут тамаки заводига ишга кирди. Олдий ишчилардан корхона раҳбарлигига бўлган йўлни босиб ўтди. Зарарли иш шарафига меҳнат қилгани учун 2018 йилда 55 ёшида пенсияга чиқди.

Фарзандларини ўқитди, тарбиялади. Катта ўғли Рустам 2012 йилда Тошкент давлат иқтисодий университетини битириб, Американинг Бостон университети магистратурасида тахсил олди. Ҳозир ўша ердаги йирик компаниялардан бирида фаолият кўрсатяпти. Иккинчи фарзанди Достон Германиядаги компаниялардан бирида IT дастурчи бўлиб ишлади. Улар ўз йўлларини топиб кетишган. Равшан ана шундан хурсанд.

У пенсияга чиқиб ҳам бекор ўтиргани йўқ. 2022 йилгача тадбиркорлик билан шуғулланди. Шу орада ўз сармоясидан 138-умумтаълим мактаби ёнидан оқиб ўтадиган Янгиобод канали устига янги кўприк қуриб берди, маҳалла ахлининг, оқсоқолларнинг дуосини олди.

Маҳалла ахли бир неча бор Равшан Йўлдошевнинг номзодини маҳалла раислигига кўрсатмоқчи бўлди, лекин у розилик бермади. 2022 йилда Ургут тумани раҳбарларидан бири яна Равшан акага кўнжироқ қилди.

— Ҳой барака топкур, жуда ўжар одам экансиз. Ҳозир менинг қабуллимда маҳаллангиздан 70 нафар одам ўтирибди, Равшанни маҳалла раислигига қўйсанг ҳам қўйсан, қўймасанг ҳам қўйсан деб. Раисликка у нафар номзод бор, сиз ҳам йўқ деманг, ўтмасангиз тинчгина бизнесингизни қилиб юраверасиз...

Равшан ака ноилжод кўнди. Қишлоқдошлари юз фоиз унинг номзодига овоз берди. Мана, 2025 йилда у 8500 нафар аҳоли истиқомат қиладиган "Деҳқонобод" МФЙга яна қайтадан беш йилга оқсоқолликка сайланди. Утган йиллар мобайнида маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда ночор оилаларни камбағалликдан чиқаришда, ёшларни, меҳнатга лаёқатли маҳалла ахлини, хотин-қизларни иш билан таъминлашда яхши натижаларга эришди.

Равшан Йўлдошев тадбиркорликдан олган даромади ҳисобидан машина серкандош бўлган Амир Темура кўчаси ёнида яроқсиз ҳолга келиб қолган кўприкни қайта таъмирлаттирди. Қишлоқ қабристонини ёнидаги Мангитобод ариғи устига кўприк барпо этишга ҳам бош-қош бўлди. Ўз ҳисобидан маҳаллани ичимлик суви билан таъминлайдиган сув минораси қурдириди, дарахтларни суғориш мақсадида қабристонга сув чиқартирди...

Бундай эзгу ишлар туманининг ҳамма гўшаларида давом этапти.

Тадбиркор оқсоқол

Равшан Йўлдошев — Ургут туманидаги Деҳқонобод маҳалласининг "туғди-битди" одамларидан бири. Кўп қатори мактабда ўқиди,

Ургутликлар Президентнинг туманга таширини кутлуг қадам сифатида баҳолагани рост гап. Бугун мазкур ҳудуд улкан қурилиш майдонига айланган ва бу хайрли ишга нанки туман, балки вилоят мутасаддилари ҳам ўз ҳиссасини, ўз улушини қўшиш учун бел болаган. Жуда катта бунёдкорлик бошланган ушбу ҳудудда олиб бориладиган эзгу ишлар, шубҳасиз, Президентимиз айтганидай, келажакда Ургут тажрибаси сифатида тарихнинг ёрқин саҳифаларидан ҳамда халқимиз ҳамжиҳатлиги, бирдамлигининг намунаси сифатида юраклардан жой олади.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи»).



ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИНИ РОБОТЛАР БАРПО ЭТМОҚДА

Нурота туманининг Деҳқабанд маҳалласи ҳудудига йирик қуёш электр станцияси лойиҳаси амалга оширилмоқда. Хитойнинг "China Energy Investment Corporation" компанияси томонидан барпо этилаётган ушбу иншоот 300 МВт қувватли қуёш электр станцияси ҳамда 150 МВтли энергия сақлаш тизимини ўз ичига олади.

«Яшил» энергия

— Яна бир муҳим жиҳати, мазкур станция қурилиш натижасида деҳқабандлик қатор ёшлар муқим иш ўрнига эга бўлади, — дейди меҳнат фахрийси Беркин Қулманов. — Шу сабаб улар ҳозирданқўқув курсларига жалб этилмоқда.

Олти юз гектар ҳудудни эгаллаган станция қурилишида очкичлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида "Очқ эшиклар куни" ҳамда за-

монавий технологик қурилиш назомиши бўлиб ўтди. Унда Навоий вилояти ҳокимлиги масъуллари, нуронийлар ва ёшлар ҳамда хитойлик инвесторлар, муҳандис ва техник мутахассислар қатнашди.

Тақдиротда лойиҳанинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожига қўшадиган ҳиссаси, муқобил энергия манбаларини кенг жорий этишдаги аҳамияти ҳамда экологик барқарор-

ликни таъминлашдаги ўрни ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, олиб бориладиган қурилиш-монтаж ишлари, уларнинг самарадорлиги, амалга ошириладиган технологик жараёнлар ҳамда кейинги босқичларда бажарилиши режалаштирилган вазифарлар юзасидан батафсил ахборот берилди.

Ушбу лойиҳанинг ўзига хос жиҳатларидан ана бири илғор автоматлаштирилган технологиларнинг кенг қўлланилишидир. Хусусан, қуёш панелларини ўрнатишга мўлжалланган роботлаштирилган тизимлар орқали юқори аниқлик, самарадорлик ва хавфсизлик таъминланмоқда.

Темура ЭШБОВ («Халқ сўзи»).

АКТ янгиликлари

Халқаро рейтингда Ўзбекистон 9 поғонага юқорилади

Портуланс институти (АҚШ) томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган "Network Readiness Index"нинг 2025 йилги навбатдаги ҳисобот натижаларига кўра, Ўзбекистон ўз ўрнини 9 поғонага яхшилаб, 72-ўринни эгаллади. Рейтингнинг жаҳон миқёсидаги етакчи мамлакатлари сифатида АҚШ, Финляндия, Сингапур, Дания ҳамда Швеция қайд этилган.

Этиборлиси, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг "Network Readiness Index" кўрсаткичлари изчил ўсиб бормоқда. Хусусан, мамлакат 2024 йилда 81-ўринни эгаллаган бўлса, 2025 йилга келиб 72-ўринга кўтарилибди. Мазкур натижа юртимизда рақамли трансформация жараёнлари тизимли ва барқарор амалга ошириляётгани, АКТни жорий этиш борасида салмоқли илгирилас кузатиляётганини, рақамли инфратузилманинг ривожланиши, электрон давлат хизматларининг кенгайиши, аҳоли ҳамда бизнесда рақамли кўникмаларнинг яхшиланиши, IT соҳасидаги ислохотлар самараси ортиб бораётганини кўрсатади.



Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда навбатдаги қулайликлар

Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидаларининг янги таҳрири давлат рўйхатидан ўтказилди. Унда телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда фуқароларга қулайликлар яратишга қаратилган қатор янгиликлар белгиланди.

Жумладан, мобиль алоқа абонентлари шахсий ҳисобда маблағ хизмат кўрсатишни давом эттириш учун етарли бўлмаганда мобиль алоқа оператори ва абонент ўртасида тузилган шартномани бекор қилиш (мавжуд бўлмаган рақам холатига ўтказиш) мuddати 2 ойдан 1 йилга узайтирилади.

Абонентлар амалдаги тариф режасини исталган бошқа тариф режаси билан бепул алмаштириши мумкин бўлади (бундан муайян гуруҳ ёки маъмул чекланган ҳудуд учун ишлаб чиқилган алоҳида тариф режасига ўтиш мустасно). Амалдаги тарифлар шартлари ўзгарганда, абонентлар бу ҳақда камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситалари, расмий веб-сайт ёки SMS хабарномалар орқали мажбурий тартибда хабардор қилинади.

Аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида хизмат кўрсатиш пунктига келиш имконияти бўлмаган фуқаролар учун ашаш жойига бориш, олис ва етиш қийин бўлган аҳоли манзилларида сайёр мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилади.



«Шаффоф қурилиш» тизимига сунъий интеллект татбиқи

Давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган стратегия, дастур ва устувор вазифарлардан келиб чиққан ҳолда жорий йилда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларида янгиға ёндашувлар қўлланилади.

Хусусан, 154 та аҳоли манзили учун шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиши режалаштирилган бўлиб, бунда "Шаффоф қурилиш" тизими доирасида "Рақамли шаҳарсозлик кенгаши" платформаси ишга туширилади. Этиборлиси, "Шаффоф қурилиш" тизимиде миждозларни қўллаб-қувватлаш жараёнлариға сунъий интеллект технологиялари татбиқ этилади. Ушбу ечим орқали келиб тушаётган муносабатларни автоматик ўқиш, таҳлил қилиш ва тоифалаш, шунингдек, бино ва иншоотларнинг ташқи қўрнини ўзгаришини келишиши жараёнлари автоматлаштирилади.

Маълумотларға кўра, "Қурилиш ресурслари миллий классификатори" электрон платформаси орқали қурилиш материаллари стандартлар асосида гуруҳланиб, кодланмоқда. Ҳозирға қадар мазкур платформа базасида 206 367 та қурилиш ресурсларга алоҳида кодлар шакллантирилган.



«Халқ сўзи».

Сурхондарё вилоятида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг баҳорги мавсумига старт берилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 25 447 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетми ҳақидаги маълумотларни юкляб олиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эвланлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлағмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетининг маълумоти берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезет таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Гезетининг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Туран кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.28 Топширилди — 22.25 1 2 3 4 5 6